

---

## «УМУМХАЛҚ ҲАЙРИЯ ҲАШАРИ»

Данғара тумани халқ таълими бўлимига қарашли умумтаълим муассасалари, «Баркамол авлод» болалар мактабида жорий йилнинг 13 март куни «Наврўз» умумхалқ байрамини муносиб нишонлашга тайёргарлик кўриш, ҳудудларнинг эпидемиологик осойишталигини сақлаш, соғлом турмуш тарзи ва санитария-гигиеник маданиятни тарғиб қилган мақсадида «Умумхалқ ҳайрия ҳашари» ўтказилди.

Ҳайрия ҳашарида 1675 нафар ўқитувчи ва 805 нафар техник ходимлар иштирок этди. Шу куни таълим муассасалари ер майдонларига 10145 туп гул, 950 туп мевали дарахт, 280 туп манзарали кўчатлар экилди. Шунингдек 28 гектар ер майдонларига ишлов берди ҳамда дарахтлар оқланди ҳамда шакл берилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)  
2021-03-13 17:06:18